

ЎТКАЗИЛГАН ХАЙРИЯ АКЦИЯСИ ФОТО ХИСОБОТИ

“ДУНЁНИ ЁРЇИНРОҚ КЎРИНГ”

2015 йил октябр ойида “DAEWOO INTERNATIONAL” корпорацияси, “VISION CARE” Корея ташкилоти, ва “SOG’LOM AVLOD UCHUN” нодавлат ташкилоти томонидан хайрия акцияси тайёрланаётгани маълум қилинган эди.

Ўтказилиш жойи: Фарғона шаҳар, Вилоят офталмология шифохонаси.

Муддати: 02-06.11.2015 йил (Фарғона).

Лойиха мазмуни: Фарғона шаҳри ва Фарғона вилояти туманларида яшовчилар учун хайрия асосида диагностикалар ва офталмологик жаррохлик амалиётлари ўтказиш.

ДТФнинг 3 та фабрикаларида, ўтказиладиган хайрия акцияси ҳақида эълонлар берилган.

28.10.2015 йилигача Вилоят офталмология шифокорлари томонидан беморлар сараланди ва кўриш билан боғлиқ муаммоли (катаракта) ва тезкор ёрдамга муҳтож беморларга олдиндан ташхислар қўйилди.

Шунингдек Фарғона вилояти туман шифокорлари томонидан ҳам беморлар танланди. Жами бўлиб олдиндан ўтказилган текширувлардан кейин 80 дан ортиқ беморлар саралаб олинди.

02-06.11.2015

FARG'ONA VILOYAT OFTALMOLOGIYA SHIFOXONASIDA

«DUNYONI YORQINROQ KO'RING»

HAYRIYA OFTALMOLOGIYA JARROHLIK AMALIYOTLARI
HUMANITARIAN OPHTHALMOLOGICAL SURGERIES



02.11.2015йил Фарғонага корейнинг “VISION CARE” ташкилотидан 12 нафар шифокор ва кўнгилчилар делегацияси, 2та “Daewoo International” вакили, 4 та SBSтелеканалдан оператор ва актёр, ҳамда 2 нафар “SOG’LOM AVLOD UCHUN” ходимлари билан биргаликда етиб келди.

Хайрия акциясини ўтказиш, диагностика ва жаррохлик амалиётларини амалга ошириш учун шифокорлар жамоаси энг замонавий медицина жихозларини ва дори дармонларни олиб келишди.

4 кун давом этган хайрия акциясида, касалхонада “Daewoo Textile Fergana” нинг 14 нафар ҳамда 3 нафар “Daewoo Textile Bukhara” ходимлари кўнгиллик сифатида иштирок этишди.

Кўнгилликлар вазифаларига қуйидагилар кирди:

1. Беморлар навбатидаги тартибни сақлаш, беморлар рўхатини тузишда кўмаклашиш;
2. Шифокорлар ва беморлар ўртасидаги суҳбатни таржима қилиш, диагностика жараёнида ва жаррохлик амалиётидан кейин беморларга ёрдам, беморларга дориларни қўлланилишини тушунтириша;
3. Шифокорлар жамоасини озиқ – овқат билан таъминлаш, шу билан бирга навбатда турган беморларга ва уларнинг яқинларига сув тарқатиш.

“Daewoo Textile Fergana” Корхонасининг Маъмурий ва Молиявий ишлар бўйича директори жаноб Сон Вон Кёнг бутун акция жараёнини назорат қилиб турди. Ҳамда, Корхона президенти жаноб Ким Ил У ҳам касалхонага ташриф буюрди.



Фарғона вилоят телевидениеси, Ёшлар ва Рухсор телерадио каналлари бош хаким жаноб Лим Донг Квон, беморлар ҳамда Корхонамиз Президенти жаноб Ким Ил У дан интервью олган холда хайрия лойихаси хақида ўз дастурлари учун ахборот тайёрлашди.



Шу билан бирга, хайрия акциясини Жанубий Кореяда ёритиш мақсадида Кореянинг асосий каналларидан бири машхур SBS телеканали вакиллари ва актёр Ким Хёнг Су “Ўзбекистонга булган энг чиройли ташрифим” номли хужжатли фильм учун, текширув ва жаррохлик жараёнларини ҳамда улкамизни тарихий ва диккатга созовор жойларини суръатга олишди.

ЎТКАЗИЛГАН ХАЙРИЯ АКЦИЯСИ НАТИЖАЛАРИ:

5 кун давомида “VISION CARE” шифокорлари 1000 дан ортиқ беморларни текширувдан ўтказишди (кўпчиликка кўз нуруни химоялаш учун дори дармонлар ва кўзойнаклар ёзиб берилди ва тарқатилди) ва катарактани олиб ташлаш ҳамда кўз гавхарини алмаштириш бўйича 120 та жаррохлик амалиётлари ўтказилди.



Хайрия акцияни охириги кунда, Кореялик офталмолог-шифокорлар маҳаллий тиббиёт ходимлари учун глаукома касаллигини даволаш инновацион усуллари бўйича ўқув семинар (презентация) ўтказишди. Семинар охирида, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш Вазирлиги, “Sog’lom Avlod Uchun”, Фарғона Вилоят Кўз касалликлари касалхонаси ва “Daewoo Textile Fergana” вакилларига “Vision Care” ташкилоти томонидан Ташаккурномалар тақдим этилди.



Жаррохлик амалиётлари сўнгида беморлар, бепул даволаниш имконияти ва кўз нурларини қайтарилганлиги учун ташриф буюрган шифокорлар жамоасига ҳамда кўнгиллик сифатида қатнашган ишчи ходимларга миннатдорчиликларини изхор этишди. Миннатдорчилик сифатида Кореялик шифокорлар ва ташкилотчиларга “Sog’lom Avlod Uchun” ташкилоти эсдалик совғалар тақдим этишди.



Шунингдек, “Vision Care” ташкилоти вакиллари Фарғона вилояти Кўз касалликлари касалхонаси бош ҳакими ва барча ходимлари, ҳамда “Daewoo Textile Fergana” ходимларига акцияни ўтказишда ёрдамлари учун миннатдорчилик билдиришди.